

Укувчининг исм-фамилияси \_\_\_\_\_ синфи \_\_\_\_\_

**1-қисм****№1.** Синтаксисда нима ўқитилади?

- а) Сўзларнинг грамматик шакли ва хусусиятлари
- б) Гап, унинг грамматик хусусиятлари
- в) Сўзларнинг ўзаро бирикиш йўллари
- г) б ва в

**№2.** Сўз бирикмаси ... .

- а) сўзларнинг ўзаро бири иккинчисига тобе бўлиб бирикишидан ҳосил бўлади.
- б) сўзларнинг ўзаро тенг боғланишидан ҳосил бўлади.
- в) сўзларнинг фақат келишиклар воситасида бирикишидан ҳосил бўлади.
- г) сўзларнинг жуфтлашиш ва такрорланишидан ҳосил бўлади.

**№3.** Ундалманинг гапдаги ўрнини аниқланг.

- а) гап бошида
- б) гап охирида
- в) гап орасида
- г) гап бошида, ўртасида, охирида

**№4** Ундалма гапдан қандай тиниш белгиси билан ажратилади?

- а) тире
- б) нуқтали вергул
- в) вергул
- г) икки нуқта

**№5.** Берилган кўчирма гап схемасида нотўғри қўлланган жавобни аниқланг.

- а) “К!”-м
- б) М-“К?”
- в) “К”-м
- г) “А”-к

**№6.** Қуйидаги берилган гапни қайси схемага солиш мумкин? *Энг баланд минора ердан кўтарилмай деган эди буюк бобомиз Амир Темур ўз ўғитларида.*

- а) “Х!”- м
- б) “Х,-а,-к”
- в) “К”,-м
- г) М:-“К”

**№7.** Нуқталар ўрнига керакли кириш сўзни қўйинг: ..., шодлик бор боқий ҳаётда.

- а) кошки
- б) яхшиям
- в) деярли
- г) ниҳоят

**№8.** Уюшган аниқловчини топинг: *Ўзбек халқи латофатли самимий, сертабассум, сертавозе, мехмондўст халқ.*

- а) ўзбек халқи
- б) латофатли самимий, сертабассум, сертавозе, мехмондўст халқ
- в) самимий
- г) халқ

**№9.** Гапга керакли тиниш белгисини қўйинг: *Вақтинг кетди бахтинг кетди.*

- а) тире
- б) вергул
- в) сўроқ
- г) нуқта

**№10.** Гапдан изоҳловчини аниқланг: *Генерал Раҳимовнинг виждонидек пок*

- а) генерал
- б) Раҳимовнинг
- в) пок
- г) генерал Раҳимов

**№11.** Фонетика нимани ўргатади ?

- а) сўз туркумларини
- б) тилнинг лугат таркибини
- в) нутқ,товушларини
- г) сўларни тўғри ёзиш қоидаларини

## 2-қисм

### Ўқиш ва тушуниш

#### Матн 1.

#### Матнни ўқинг ва топшириқларни бажаринг



Бир қария киши ўрмондаги чайлада яшар эди. Бу қария шу ўрмоннинг қоровули эди. Уни бир неча товуғи ва эчкиси бор эди. Кунларнинг бирида она эчки чайлага яқин жойда ўтлаб юрар ва унинг атрофида товуқлар ҳам бор эди. Шу пайт ўрмоннинг ўртасидан бўри чиқиб, улар томон юзланди. Бу бўри хўрознинг қичқиришини ҳеч қачон эшитмаган эди. У чайлага яқинлашган пайтда хўроз қаттиқ овоз билан қичқирди. Бўри хўрознинг қичқириғидан қаттиқ кўрқиб кетди ва

бирор нарсага қарамасдан қочди. Она эчки бўри мендан кўрқиб қочиб кетди, деб ўйлаб, унга етиб олиш учун югурди. Бўри чайладан бироз узоқлашганидан кейин эчки олдига қайтиб, уни овлади. Бечора эчки! Аҳмоқлар ўлимида ҳалок бўлди.

Сабоқ: инсон ўзини юқоридаги эчки каби тутмаслиги, ақл билан иш кўриши, кўлидан келадиган ишни қилиши лозим.

(120 та сўз)

**№12.** Матннинг асл ғоясини топинг:

- а) Бир қария киши ўрмондаги чайлада яшар эди.
- б) Уни бир неча товуғи ва эчкиси бор эди.
- в) Хўроз қаттиқ овоз билан қичқирди.
- г) Ҳар ким кўлидан келадиган ишни қилиши лозим.

**№13.** Бўри нимадан кўрқиб кетди?

- а) Кекса қоровул кўриб қолишидан
- б) Хўрознинг қаттиқ қичқириғидан
- в) Эчкидан
- г) Ҳеч нимадан кўрқмади

**№14.** Қуйидаги иборани тушунтиринг:

*Аҳмоқлар ўлимида ҳалок бўлди.*

- а) Иккита аҳмоқ жангги.
- б) Кучлар тенг эди.
- в) Эчки ақлли бўлса, бўрига кучи етмаслигини билиши керак эди.
- г) Тушунмадим.

**№15.** Матнга сарлавҳа топинг.

---

**№16.** Ушбу ҳикоядан қандай сабоқ олдингиз:

---

---

## Матн 2.

### Матни ўқинг ва топшириқларни бажаринг Марказий Осиё



Қирғизистон Ўрта Осиёнинг бир қисмидир.

Ўрта Осиё эса Марказий Осиёнинг таркибий қисми ҳисобланади. У Каспий денгиздан Япон денгизгача етти минг километр ва шимолдан жанубгача бир ярим минг километр чўзилиб кетган бўлиб, ер юзи қуруқлигининг улкан майдонини эгаллаган. Тибет тоғи бу катта ўлкани жанубий денгизлар таъсирдан пана қилиб турган бўлса, шимолдан Олтой ва Саян тоғлари, Хинган тоғи Шимолий

муз океани таъсирдан ҳимоя қилади. Тянь-Шань эса Марказий Осиёни иккига-ғарбий ва шарқий қисмларга ажратади. Ғарбий қисмда асосий майдонни Турон паст текислиги, шарқий қисмда эса Буюк Хитой текислиги эгаллаган.

Помир ва Тянь-Шаннинг кенг музликлари Амударё, Сирдарё ва Зарафшон сингари йирик дарёлар ҳосил бўлишига имконият яратган ва бу ажойиб ўлкага ҳаёт олиб келган. Ўрта Осиё дарёлари ичида Амударё энг серсув бўлиб, ўртача сув сарфи бўйича Днепрдан 1,2 баравар, Дондан эса уч баравар устун туради. (132 сўз)

**№17.** Марказий Осиёнинг таркибий қисми қаер?

- а) Россия
- б) Ўрта Осиё
- в) Америка
- г) Ҳиндистон

**№18.** Қайси тоғ Марказий Осиёни иккига ажратиб туради?

---

**№19.** Қайси давлатлар Ўрта Осиёни ташкил қилади?

---

---

**№20.** Қирғизистондаги дарёлар номини топинг.

- а) Норин, Талас, Чуй...
- б) Амударё, Сирдарё...
- в) Днепр, Дон...
- г) Нил, Волга...